201 A
Alisher Navoiy nomidagi ... MK

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 6 июль • № 27 (1204)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 20 июнда қабул қилинган.*
*Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган.*

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларнинг соғлиғини чилим ва электрон сигареталар чекишнинг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан муҳофаза қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини яратишга қаратилган.

**2-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Чилим**

Чилим тамаки чекиш ёки таркибида тамаки бўлмаган чекиладиган қоришмани (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган асбоб бўлиб, унда аэрозоль (буғ) ёки тутун суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади.

Чекиладиган қоришма никотинсиз қоришмадан, чекиладиган мевали аралашмадан, шунингдек, уларнинг озиқ-овқат толалари асосида тамаки баргларини ҳамда бошқа таркибий қисмларни қўшмасдан ва қўлламасдан яратилган, таркибига келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари кирадиган ўхшаш турларидан иборатдир.

Тутатқи қиём глицерин, турли ўсимликларнинг экстрактлари, эриткичлар ва хушбўй моддалар асосидаги тамакисиз маҳсулотдир.

Тутатқи тош келиб чиқиши минерал асосга эга бўлган, хушбўй қиём шимдирилган, никотинсиз ғовaксимон маҳсулотдир.

**4-модда. Электрон сигарета**

Электрон сигарета никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиш воситаси сифатида фойдаланиладиган, нафас олиб ютиш учун мўлжалланган аэрозоль (буғ) ҳосил қиладиган электрон мосламадир.

Одамнинг нафас олиш тизимига никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиб берувчи электрон тизимларнинг истеъмол хусусиятлари ва истеъмол қилиш усуллари электрон сигаретага ўхшаш бўлган бошқа турлари ҳам электрон сигаретага тенглаштирилади.

**5-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўймаслик;

чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ҳамда тарғиб қилишга йўл қўймаслик;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларни ҳамда уларнинг мажбуриятларини белгилаш;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида жамоат жойларида чилим ва электрон

**(Давоми 2-бетда).**

*Матбуот анжумани*

## ФАОЛИЯТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ




***Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳа тарққиётида рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб, биргина хулосага келишимиз табиий. Яъни, ислоҳотлар изчиллиги – фаолиятлар самарадорлигининг асосий мезонидир. Бу борада ўтган қисқа вақт мобайнида Президентимиз томонидан тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорати билан жойларда улар ижросининг таъминланиши натижасида амалиётга жорий этилаётган фаолиятлар фикримиз исботидир.***

Жорий йилнинг 2 июль куни Миллий матбуот марказида "Ўзбекистонда онкология хизматининг ҳолати: онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, ташхислаш, даволаш ишларининг илғор усулларини жорий этиш, шунингдек, замонавий диагностика ҳамда даволаш аппаратлари билан таъминлаш ҳолати ва истиқболлари" мавзусига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ушбу фикрлар эътироф этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида онкология хизматини янада такомиллаштириш борасида, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ва унда белгиланган вазифалар ижроси муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самаралари хусусида сўз юритиб, онкологик касалликлар бугунги кунда бутун дунёда инсон саломатлигига жиддий таъсир этувчи долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бирига айланганлигини айтиб ўтди. Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ушбу касалликларга чалиниш кўрсаткичи йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, хусусан, ҳар йили дунё бўйича 16 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланаётганлигига эътибор қаратиб, айни пайтда мамлакатимизда ҳам 100 минг нафардан ортиқ бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туриши тўғрисида асосли маълумотларга тўхталди. Шундан сўнг, вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Фаррух Шарипов сўзга чиқиб, ўз маърузасида бу борада ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ижросини таъминлашда Президентимиз Қарори муҳим дастуриламал бўлаётганлиги ва мазкур меъёрий ҳужжатда белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлиги тўғрисида тадбир иштирокчиларига ахборот берди. Самарали фаолиятлар натижасида вилоятлардаги 15 та онкология диспансерлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларига айлантирилганлиги, шу билан бирга, онкология муассасалари реконструкция ва модернизация қилиниб, онкологик касалликларни ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий стандартлари ишлаб чиқилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

**Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:**

– Бугунги кунда мамлакатимизда онкология хизматининг вертикал тизими яратилган бўлиб, ҚВП ва оилавий поликлиникаларда УАШлар томонидан онкологик касалликларга гумон қилинган беморлар вилоятлардаги филиалларга йўлланма асосида юборилади. У ерда беморлар чуқур текширилиб, онкологик касаллик тасдиқланса, уларга юқори малакали ихтисослашган ёрдам кўрсатилади. Зарур бўлган вазиятларда эса, ордер асосида марказимизга юборилади.

**(Давоми 4-бетда).**

Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

сигареталар чекишни чеклашга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

**6-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслик**

Чилим ва электрон сигареталарни:

стационар савдо объектларида, шунингдек умумий овқатланиш корхоналарида, бундан чилим ва электрон сигареталар чекиш учун махсус ажратилган хоналар мустасно;

кинотеатрларда, театрларда, циркларда, концерт, кўрик ва кўргазма залларида ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотларда;

клубларда, дискотекаларда, компьютер залларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойларда;

музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида ва маърузахоналарда;

маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан тамбурларида), дарё кемаларида, шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобусларда, таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида, шунингдек, ҳаво кемаларида;

ер ости ўтиш жойларида, транспорт бекатларида ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида;

аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг биноларида;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг биноларида;

соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотларида, таълим муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида;

иш жойлари бўлган хоналарда;

кўп квартирали уйларнинг йўлакларида, шунингдек, уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончаларида;

хиёбонларда, боғларда, кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида чекишга йўл қўйилмайди.

Жамоат жойларида жойлашган хоналарни чилим ва электрон сигареталарни чекиш учун бериш, худди шунингдек, жамоат жойларида чилимни ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тақиқланади, бундан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган махсус ажратилган хоналарнинг жиҳозларига, чилим ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тартибига, чилимларни санитария жиҳатдан тозалаш ва чекиладиган қоришмаларни (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) сақлашга доир талаблар, шунингдек, тамакига ва чекиладиган қоришмаларга (тутатқи қиёмга, тутатқи тошга) доир гигиеник талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

**7-модда. Чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ҳамда тарғиб қилишга йўл қўйилмаслик**

Чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталар чекиш усуллари ва йўллари, шунингдек, уларни олиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Чилим ва электрон сигареталар чекишни тарғиб қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталарни чекишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ва бадиий образларни очиқ ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган ҳаракатлар тақиқланади.

**8-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар ва уларнинг мажбуриятлари**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари (маъмурияти), шу жумладан ўз тасарруфида (мулкида, эгалигида, фойдаланишида) ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва жамоат жойларида жойлашган бошқа объектлар, шунингдек, ушбу Қонун 6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситалари бўлган шахслар жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслардир.

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар:

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариши;

чилим ва электрон сигареталар чекаётган шахсларни жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида огоҳлантириши, ҳуқуқбузарлик давом эттирилган тақдирда эса ички ишлар органларига хабар бериши;

ҳаммага кўринарли жойга, шу жумладан биноларга (хоналарга) кириш жойларига, транспорт воситаларига ва бошқа объектларга жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи лавҳаларни жойлаштириши шарт.

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**9-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ҳамда бошқа муассасалар чилим ва электрон сигареталар чекишнинг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгида чилим ва электрон сигареталар чекишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чораларни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

**10-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

**11-модда. Низоларни ҳал этиш**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**12-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**13-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**14-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**15-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль
ЎРҚ-478-сон

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*Брифинг*

# ХОЛИСЛИК ВА ОШКОРАЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

***Куни кеча «Пойтахт» бизнес марказида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан «Сирдарё вилоятида оилаларни мустаҳкамлаш, ажрашишлар ҳолати бўйича тадқиқот ва таҳлил натижалари» мавзусида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди.***

Тадбирни Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмуҳаммедова кириш сўзи билан очиб, брифинг мавзуси доирасида атрофлича тўхталиб, бу борада тарғибот ишларини олиб боришда журналистларнинг ўрни ва уларнинг ёрдами муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Албатта, бугуннинг долзарб мавзусига айланган оилалардаги келишмовчилик ва ажралишлар ҳар биримизни ташвишга солаётганлиги сир эмас. Шу боис, бу каби салбий ҳолатларни олдини олишни ҳамда мамлакатимизда намунали оилалар сонини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу марказ фаолиятининг иш бошлагани оғриқли нуқтамизни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

Шу ўринда айтиш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида вилоятда никоҳдан ажрашиш кўрсаткичлари ўсишининг сабабларини аниқлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғи берилган эди. Ушбу брифингда Сирдарё вилоятида олиб борилган тадқиқотнинг якуний натижалари, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижроси бўйича марказнинг оилани демографик ривожлантириш бўлими бошлиғи Ботир Мавлянов маълумот бериб ўтди.

Таъкидланганидек, бу борада «Оила» марказининг етакчи олимлари, ҳуқуқшунослар, социологлар, психологлар бошқа турли соҳалар экспертларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳи ташкил этилиб, комплекс тадқиқот ишлари амалга оширилди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2017 йилда вилоятда 1095 та никоҳдан ажрашиш расмий қайд этилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан (908) 21 фоиз кўпдир. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон миқёсида ҳам энг юқори ҳисобланиб, 2012-2016 йилларда республика бўйича ажрашишлар сонининг ўсиши 58 фоизни ташкил қилган бўлса, Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 83 фоизга етган. Ўтказилган натижаларга кўра, эр-хотин ўртасида бир-бирини тушуниш ва тотувликнинг йўқлиги, оилалари доимий жанжал ва можаролар (22,5 фоиз), оилада фарзанд йўқлиги яъни бепуштлик (15,6) фоиз эр-хотин оилавий муносабатлари ва уларнинг шахсий ҳаётига бошқаларнинг аралашуви ва улар ўртасидаги ўзаро можаролар (15 фоиз), суронкали ичкилик (11 фоиз) оилаларнинг барбод бўлишига асосий сабабдир. Ажрашган оилаларнинг 82,9 фоизида эр-хотиндан бирининг қариндошлари билан бирга яшаганлиги кузатилади. Бу ҳолатларнинг туб сабаби турли омилларга келиб тақалган. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномада қатнашган шахсларнинг 45 фоизи оилани сақлаб қолишга масъул ташкилотлардан ҳеч қандай ёрдам олмаганини таъкидлаган.




Брифингда Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят Сирдарё туманлараро судининг раиси Шавкат Тавбаев ҳамда марказнинг мутасадди раҳбарлари иштирок этиб, журналистларнинг берган саволларига тўлақонли тарзда жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Баҳс ва мунозарага бой бўлган ушбу тадбирнинг мақсади ҳар бир фуқародан ҳақиқат, адолат, қолаверса виждонан ёндашишни талаб этади.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ажрим бўлаётган оилалардаги гуноҳсиз инсон суд залидан гуноҳкор бўлиб чиқиб кетмасин. Ҳаётида бир умрлик армон бўлиб, унинг қалбига дарз етмасин деган фикрлар билан мақоламизни мухтасар қиламиз.**

***Ибодат СОАТОВА.***
**Сурат муаллифи Носир ХАЙДАРОВ.**

*Юртимиз шифохоналарида*

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКДА ЭЗГУЛИК ТАШАББУСИ

***Юрт ободлиги, жамият фаровонлиги, аҳолининг турмуш сифати яхшиланиши – буларнинг барчаси бугунги кунда мамлакатимизда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг туб моҳиятидир. Ўз ўрнида ушбу жараёнлар ҳар бир соҳа, хусусан, тиббиёт тизимида ҳам акс этмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур ишлар самарадорлиги халқаро ҳамкорлик муносабатлари билан янада ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида гапирганда бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак”, деган сўзлари бугун мамлакатимиздаги ҳар бир тиббиёт муассасаси фаолиятида асосий шиорга айланмоқда.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 2-сонли Республика клиник шифохонасида олиб борилаётган фаолиятлар эса бу борадаги фикрларимиз тасдиғидир.

Айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёев хорижий мамлакатларга қилган давлат ташрифларида асосий эътиборни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш масаласига қаратди. Жумладан, ўтган 2017 йили Жанубий Корея Республикасида бўлиб, икки мамлакат ўртасида савдо-саноат, ишлаб чиқариш, фан-таълим тизими билан бир қаторда соғлиқни сақлаш йўналишида ҳам кенг кўламли ҳамкорлик шартномалари имзоланган эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, шартномалар доирасида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирга қадар Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда тиббиёт клиникалари фаолиятида янгича амалиётлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 3 июль куни 2-сонли Республика клиник шифохонасида мазкур фаолиятларнинг мантиқий давомига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбирни клиник шифохона бош шифокори Мирносир Мирюнусов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида муассаса фаолиятида хорижий давлатлар, хусусан, Жанубий Корея Республикасининг KOMSTA – Корея врвчлар ассоциацияси, нуфузли клиника ва тиббиёт институтлари билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Тадбир доирасида Корея давлатидан ташриф буюрган тиббиётнинг турли йўналишларидаги 21 нафар мутахассис иштирокида тиббий кўриклар ташкил қилиниб, навбатдаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Зулфия АБДУРАҲМОНОВА, 2-сонли Республика клиник шифохонаси бош шифокори ўринбосари:**

– Шифохонамиз қошида Шарқ табобати маркази фаолияти йўлга қўйилганлигига 20 йил тўлди. Айтиш муҳимки, мазкур марказ томонидан ҳозирга қадар кенг кўламли ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Жанубий Корея Республикасига давлат ташрифидан сўнг, ҳамкорликдаги фаолиятларимизни янада ривожлантиришга имконият яратилди. Клиникамиз ҳамда Жанубий Кореянинг KOMSTA ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ушбу саъй-ҳаракатларнинг натижасидир ва у йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу маънода бугунги анжуманни ҳам ушбу фаолиятларнинг узвий давоми дейиш мумкин. Сабаби, айни пайтгача Корея давлатининг KOMSTA, Корея фармакопунктура институти, Корея Шарқ табобати маркази ва Пусан миллий университети, ЖасЭн ҳамда Чонг Ён номидаги Шарқ табобати марказлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Ҳамкорлик алоқалари доирасида клиникамиз шифокорлари Кореянинг нуфузли тиббиёт муассасаларида малака ошириш имконига эга бўлмоқда. Бундан ташқари, кореялик тажрибали мутахассислар асаб касалликлари бу – умуртқа поғонаси чурралари, остеохондроз, бўғим касалликлари бўйича даво муолажаларини қўллашда ўзларининг беғараз кўмагини бериб келмоқда. Эътиборлиси, жорий йилда мазкур мутахассислар сафига болалар невропотологлари ҳам қўшилди. Бугун Корея Республикасининг “INURI” Шарқ табобати клиникаси билан имзоланган меморандум эса ҳамкорлик алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи 6-расмий ҳужжат ҳисобланади. Аҳамиятлиси, унда белгиланган келишувлар ижросини таъминлаш мақсадида нафақат клиникамизда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ташрифлар уюштирилади ва олдинги тиббий кўриклар муддати бир ҳафта ёки 10 кунликни ташкил қилган бўлса, бу сафар 1 ой мобайнида давом эттирилиши назарда тутилмоқда. Ўйлайманки, бу борадаги фаолиятларимиз келгусида янада такомиллашиб бораверади. Яъни, кейинги тиббий кўрикларга эндокринолог, гинеколог, аёллар шифокори ва бошқа мутахассисларни ҳам жалб этиш режаларимиз бор. Мақсадимиз, халқимизга Шарқ табобати йўналишида амалий тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашдан иборатдир.









**Hur Young Jin, KOMSTA ташкилоти раҳбари, Вангвай аинури Корея тиббиёт клиникаси профессори:**

– Мамлакатингиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ушбу клиник шифохона билан амалга ошираётган ҳамкорликдаги фаолиятлардан биз ҳам мамнунмиз. Айниқса, Президентингиз ташаббуси билан бу борадаги ишларимиз самараси янада ортмоқда. Бу ердаги ҳамкасбларимиз Корея тиббиёт клиникаларида малака ошириши билан бирга, бизнинг мутахассисларимиз иштирокида соҳага оид касалликлар бўйича маҳорат дарслари, тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Табиийки, ҳар бир шифокорнинг мақсади ўз билимини инсонлар саломатлигини яхшилаш, беморларга қўлидан келганча малакали тиббий ёрдам кўрсатишдир. Бизни хурсанд қиладиган жиҳати эса ҳамкорликдаги фаолиятларимиз айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Малака ошириш жараёнида тажрибасини бойитган шифокорларингизнинг мамлакатингиз аҳолиси ўртасида асаб касалликлари ва улар натижасида юзага келадиган оғир асоратларни эрта аниқлаш ҳамда шу турдаги хасталикларни даволаш ишларида амалий ёрдам бериш имконияти ортади. Гувоҳи бўлганингиздек бу галги ташрифимиз яна ҳам самарали бўлмоқда, сабаби, кўп сонли мутахассислар билан ташриф буюрдик. Шунингдек, бу сафар жойларга чиқиб, ҳудудларда ҳам тиббий кўриклар ўтказилиши режалаштирилган. Демак, фаолиятларимиз ўзини оқламоқда, ишонаманки, натижалар ҳам юқори бўлади.

**Клиник шифохонаси фаолиятига назар солар эканмиз,** муассасада беморлар саломатликларини тиклашлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик, яъни аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари юқори даражада йўлга қўйилган.

**Ҳолида АҲМЕДОВА, 2-сонли Республика клиник шифохонаси 1-реабилитация бўлими шифокори:**

– Бугунги кунда муассасамизда кадрлар салоҳиятини ошириш, фаолиятга замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини татбиқ этиш баробарида, ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур шифохонадаги 33 йиллик меҳнат фаолиятим давомидаги бевосита кузатишларим асосида айтишим мумкинки, давлатимиз томонидан тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига ҳам жаҳон тиббиётдаги ҳар қандай янгилик қисқа фурсатда жорий қилинмоқда. Ўз навбатида бу жараёнлар бизнинг клиникамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Яъни, замонавий асбоб-ускуналар таъминоти йилдан-йилга такомиллаштирилиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қабул қилинган қарор ва фармонлари асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш борасида клиникамиз ва хорижий давлатларнинг нуфузли клиникалари билан ўзаро тажриба алмашиш, ходимлар малакасини ошириш, чет эллик мутахассислар иштирокида долзарб мавзуларда семинар ва маҳорат дарслари ташкил қилинмоқда. Ушбу ҳамкорлик фаолиятлари йўлга қўйилгандан ҳозирга қадар клиникамизнинг 4 нафар мутахассиси – Муқаддас Абидова, Зикрилло Ўлмасов, Дурдона Шоназарова ҳамда Чарос Маматхановалар Жанубий Корея Республикасининг етакчи клиникаларида малака оширишга муваффақ бўлди. Ҳозирда улар томонидан халқимизга Шарқ табобати усулида малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Қолаверса, шифохонамизнинг барча бўлимларида беморлар учун зарурий қулайликлар яратилган. Энг асосийси, ходимларимиз ҳар бир беморга касбий деонтология қоидаларига амал қилган ҳолда муносабатда бўлишади. Шуни ҳам айтишни истардимки, шифо масканимизда нафақат даво муолажалари, шу билан бирга, касалликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилади.

**Ҳа, муассасада яратилган шароитлар шифохона ҳудудига кираверишингиздан кўзингизга ташланади. Шу маънода бир қарашда санаторий кўринишидаги дам олиш масканига келганингиздек таассурот уйғотади. Анвойи гуллардан тортиб, манзарали ва мевали дарахтларгача алоҳида парвариш қилинган. Шундан сўнг, шифохона ичидаги парваришга бўлган эътибор билан танишиш мақсадида беморлар фикрига қизиқдик. Уларнинг клиникада фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис, айниқса, ҳамширалар тўғрисида ушбу касб эгалари ишончимизга сазовор бўлган энг яқин ғамхўримиздир деган сўзларини эшитиб, шифокорларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги фидокорона меҳнатларига биз ҳам таҳсин айтдик.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Матбуот анжумани*

# ФАОЛИЯТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айни пайтда Республикамизнинг барча онкология муассасаларида диагностика ва даволаш ишлари давлат маблағлари ҳисобидан, бепул амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда дунё тажрибасида ҳам онкологик касалликлар ичида сут бези саратони етакчи ўрин эгаллайди. Кейинги ўринларни меъда, бачадон бўйни ва ўпка саратони қайд этилади. Афсуски, 50 фоиздан ортиқ ҳолатларда ушбу касаллик кечки, яъни учинчи ва тўртинчи босқичларда, тўлақонли даволаш мушкул бўлган ҳолатларда аниқланмоқда. Шу боис, бу тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки бутун жамият зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган онкология хизмати сифатини тубдан яхшилаш мақсадида ўтган йили пойтахтимизда фаолият юритаётган етакчи мутахассислар марказнинг вилоят филиалларига раҳбар лавозимларга юборилди. Бунинг натижасида ҳудудларда ҳам юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Бу имконият туфайли жойлардан пойтахтга текшириш ва даволаниш учун мурожаат қилаётган беморлар сони сезиларли даражада камайишига эришилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, онкологик касалликларнинг олидини олиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис ва даволаш ишларни янада кучайтириш, бу борада ҳудудларга консультатив ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида марказининг етакчи мутахассисларидан иборат 10 та гуруҳ шакллантирилиб, улар томонидан ҳозирги кунга қадар 593 та туман ва шаҳарга чиқишлар амалга оширилди. Улар доирасида 913 та тиббий машғулот ва маърузалар ташкил қилинди ва уларга жойлардаги 19 минг 222 нафар мутахассис қамраб олинди. Шунингдек, 13 минг 319 нафар бемор тиббий кўрикдан ўтказилиб, 389 та малакали жарроҳлик амалиёти бажарилди, эътиборлиси, шулардан 153 таси юқори технологик опрерациялардир. Бундан ташқари, онкология соҳасида аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган жиддий муаммолардан бири – дори-дармон таъминоти билан боғлиқ эди. Давлатимиз томонидан бу муаммони бартараф этиш юзасидан бажарилган узлуксиз чора-тадбирлар туфайли бугунги кунга келиб онкология муассасаларини дори билан таъминлаш 3 баробарга ошди. Бу кўрсаткич, жорий йил охирига бориб деярли тўлиқ таъминиши кўзда тутилган.

– Аҳолига кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш соҳа олдида турган муҳим вазифадир, **– дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директор ўринбосари Аброр Юсупбеков.** – Шу мақсадда фаолиятимиз давомида қатор хорижий клиника ва институтлар билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Тузилган келишув битимлари асосида айни пайтгача 100 нафарга яқин мутахассисларимиз АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Беларус ва бошқа нуфузли чет эл муассасаларида қисқа ва узоқ муддатларда малакаларини ошириб келишди. Бундан ташқари, ўсма касалликларини ташхислашни халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш мақсадида пойтахтимиз ва Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги онкология муассасаларида ҳудудлараро иммуногистохимик лабораториялар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, тиббиёт муассасалари замонавий нур терапия, гамма терапия, брахитерапия, МРТ+гипертермия, ПЭТ томография, "da Vinci" робот ускунаси, Кибер тиғ, ангиографик комплекс каби энг замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади. Шу билан бирга, марказнинг барча вилоят филиалларида кечки босқичлардаги беморларга ёрдам кўрсатиш учун жами 200 ўринли паллиатив ёрдам бўлимлари ташкил қилинмоқда. Айтиш мумкинки, ҳозирга қадар 4 та вилоятда ушбу бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди ва жорий йил охиригача бошқа вилоят филиалларида ҳам айни шундай бўлимлар ташкил қилиниши режалаштирилмоқда. Қолаверса, Тошкент шаҳри, Фарғона, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида кечки босқичлардаги, махсус давога эҳтиёж бўлмаган оғир беморларга ёрдам кўрсатувчи ҳудудлараро Хоспислар фаолияти йўлга қўйилмоқда.



Мутахассислар томонидан таъкидланганидек, бу борада касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал, албатта. Шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида касалликнинг олдини олиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш устувор вазифа ҳисобланади. Шу боис, халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактик ёрдамни ривожлантириш мақсадида саратон профилактикаси маркази ташкил қилиниб, уларда кўкрак бези ва бачадон бўйни саратони скрининг тадқиқотлари амалга оширилмоқда. Жойларда тиббиёт ходимларининг онкологик эҳтиёткорлигини кучайтириш ва аҳолининг онкологик хасталиклардан хабардорлигини ошириш мақсадида махсус гуруҳлар тузилиб, улар томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. яна бир эътиборли жиҳат, амаолга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида сут бези саратони скринингини ўтказиш учун 13 та мобиль ва 16 та стационар маммографик ускуна харид қилинмоқда. Бундан ташқари, қизилўнгач, меъда ва колоректал саратон бўйича Фарғона вилоятида тажриба тариқасида скрининг тадқиқотлари ўтказилиши режалаштирилган.

**Хулоса қилиб айтганда, амалдаги фаолиятлар қатори олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Эътирофлиси шундаки, кўзланган мақсадларга босқичма-босқич эришилмоқда. Якуний сўз оддий, яъни инсон саломатлиги, аввало, унинг ўзига боғлиқ. Ҳатто, замонавий тадқиқотлар ҳам исботлайдики, қанчалик хавфли касаллик тури ҳисобланишидан қатъи назар, онкологик хасталикларни ҳам оддий усуллар ёрдамида олдини олиш мумкин. Бунинг учун тўғри овқатланиш, жисмоний фаол бўлиш, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриш, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.**

---

**Тошкент шаҳри** *Қарор ва ижро* **Яшнобод тумани**

# ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ЎЗИ ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

***Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан соҳа тараққиётига қаратилаётган эътибор ҳамда шу асосда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар, тизим фаолиятига йўналтирилаётган замонавий инновацион амалиётлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз ўрнида олиб борилаётган ишлар кўлами, сифат ва самарадорлигини таъминлаш бўйича ушбу фаолиятларга кенг жамоатчилик ташкилотларининг жалб этилаётганлиги соғлиқни сақлаш тизими олдида турган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида бажариш, энг асосийси, кўзланган мақсадларга қисқа фурсатда эришиш имконини бермоқда.***



Хусусан, аҳолини патронаж билан қамраб олиш, уларда тиббий маданиятни шакллантириш, шу билан бирга, оила ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига қаратилган Қўшма қарор доирасида амалиётга жорий этилаётган фаолиятлар тўғрисида ана шундай дейиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда ҳамкор ташкилотлар кўмаги ҳамда "Саломатлик мактаблари" мисолида амалга оширилаётган ишлар фикримиз тасдиғидир. Эътиборлиси, ушбу фаолиятлар бугунги кунда пойтахтимиз ҳудудидаги барча оилавий поликлиникалар кесимида йўлга қўйилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 29 июнь куни айни шундай тадбирларнинг навбатдагиси Яшнобод туманида жойлашган 30-сонли Оилавий поликлиникада амалга оширилди. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситхонова иштирок этиб, иштирокчиларга ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик, патронаж хизмати ва соғлом турмуш тарзининг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берди.



Айтиш муҳимки, 24-29 июнь кунлари давомида ўтказилган тиббий кўрикларга ҳудуддаги Дилбоғ, Катта Қуйлиқ, Қуйлиқ ота, Янги давр, Олмос, Гўзал, Маърифат ва Ширинобод маҳаллаларида истиқомат қилувчи 5 минг нафарга яқин аҳоли қамраб олинди. Ўтказилган тадбирлар мобайнида 30 га яқин хонадонларда уй шароитида тиббий кўрик уюштирилиб, 4 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик аравачалари топширилди.

(Давоми 5-бетда).

*Қарор ва ижро*

# ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ЎЗИ ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

**Гулзода АБДУРАЕМОВА, 30-сонли оилавий поликлиника бош шифокори:**

– Поликлиникамиз томонидан умумий 27 та ҳудуд ва 9 та маҳаллада рўйхатга олинган 43 минг нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Шулардан, фертиль ёшдаги аёллар 10 минг 447, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони 579 ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлганлар 62 нафарни ташкил қилади. Шифо масканимизда 18 нафар ҳудуд шифокори, 2 нафар бўлим мудири, 54 нафар патронаж ҳамшира, тор йўналишдаги мутахассислари ва лаборатория ходимлари фаолият юритади. Фаолиятимиз давомида Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири томонидан соҳага татбиқ қилинаётган буйруқлар асосий дастуриламал ҳисобланади. Айниқса, бирламчи бўғин йўналишининг бу мақсади тиббий профилактика, патронаж хизмати билан аҳоли саломатлигини назорат қилиб боришга жиддий эътибор қаратилади. Бу борада эса Қўшма қарор ва унинг доирасида белгилаб олинган вазифалар, амалга оширилаётган чора тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Саломатлик мактаби", шунингдек, аҳоли ўртасида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳамда мақсадли патронаж хизмати, шу билан бирга, олиб борилаётган тарғибот ишлари фаолиятимиз самарадорлигини таъминламоқда.

**Маъмура БОБОРАҲИМОВА, "Баркамол" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли:**

– Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор натижаси бошқа ҳудудлар сингари маҳалламизда ҳам акс этмоқда. Масалан, бугунги кунда аввалари кузатилмаган жараёнларга ҳар бир фуқаронинг ўзи гувоҳ бўлмоқда. Патронаж хизмати дейсизми ёки поликлиника хизматини олиб қарайсизми, соғлиқни сақлашнинг қайси бир йўналиши бўлмасин, тизимдаги ижобий ўзгаришларни кўриб халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. "Саломатлик мактаби" ва унинг қамровида амалга оширилаётган фаолиятлар эса бу ишончни янада мустаҳкамламоқда. Сабаби, тиббиёт ходимлари, ҳамшира ва умумий амалиёт шифокорлари бугун хонадонларга ўша маҳалланинг вакиллари билан кириб боряпти, улар билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Ўзим ҳам маҳалла фаоли сифатида ҳудудимизга бириктирилган патронаж ҳамшира Дилбар Ашурова ҳамда умумий амалиёт шифокори Гулноза Раджаповаларга кўмаклашаман. Биласизми, ушбу тизим орқали тиббиёт ходимлари учун ёпиқ эшик қолмайди. Чунки, маҳалла фаоли сифатида мен ўз ҳудудимдаги ҳар бир оила, хонадонни яхши биламан. Кимнинг қандай муаммоси бор, қайси оилада ҳомиладор аёл, бемор ёки қаровчиси йўқ ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро яшайди, уларнинг кунлик аҳволи қандай, буларнинг барчасидан хабардор бўламан. Ўз ўрнида ушбу маълумотларни ҳамшира ва шифокоримизга етказиб тураман. Шуларни инобатга олган ҳолда айта оламанки, "Саломатлик мактаби" тиббиётни аҳолига яна бир қадам яқинлаштирди. Касалликларнинг олдини олиш, халқимизнинг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тизимнинг яна бир афзал томони хонадонларда мавжуд ётоқдаги беморлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Поликлиника шароитида ташкил қилинаётган тиббий кўрик ва саломатлик ҳафталиклари уларнинг уйларига бориб ўтказиляпти ва бунинг натижасида тиббиётимизнинг олдига қўйилган асосий мақсад – халқ розилигига эришилмоқда.

**Мукамбар ДЎСТОВА, 30-сонли Оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:**

– Менга муассасадаги фаолиятим бўйича 22 та ҳудудда жойлашган Авиасозлар ва Фазогир маҳаллалари бириктирилган. Уерда 520 та хонадон ва 729 та оилада истиқомат қилувчи 1 минг 863 нафар аҳолига икки нафар ҳамшира Давронова Гулчеҳра ҳамда Қодирова Наргизалар билан тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдаман. Улар орасида 2 нафар якка ёлғиз, 15 нафар катта ёшдаги ва 1 нафар ёш ногиронлиги бўлган шахслар бор. Ҳомиладорлар сони эса 22 нафарни ташкил қилади. Айни пайтда Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Қўшма қарор асосида маҳалла фуқаролар йиғини, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ва ўрта махсус касб ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда ушбу контингентларнинг барчаси бирламчи тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олинмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир хонадонга мақсадли патронаж хизмати кўрсатилиб, ҳар бир инсон тиббий кўрикка жалб этилмоқда. Бунинг баробарида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, қолаверса, ўз саломатлиги ҳақида, аввало, ўзи қайғуриши лозимлиги тушунтириб борилмоқда. Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин, яъни буларнинг барчасига амалда қандай эришилмоқда? Қўшма қарор лойиҳаси шу даражада мукаммал ишлаб чиқилганки, ўз ўзидан бу саволнинг жавоби ҳам "Саломатлик мактаби" фаолиятида мужассамлашган. Боиси, бу тизим орқали амалга ошириладиган фаолиятлар бир ҳафталик мисолида моҳиятан бойитилган, янада аниқроғи, ҳафта кунлари маълум мақсадларга ажратиб чиқилган. Бунда нуронийлар, ҳомиладорлар, болалар ва ўсмирлар, хонадонлар ва экологик тозалик, аёллар ҳамда таҳлилий соат кунлари белгилаб олинган. Тўғри, тиббиётда мунтазам режали иш юритишнинг имкони йўқ, албатта. Фавқулодда ҳолатлар юз бериши, режадан ташқари ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Лекин яратилган мазкур тизим орқали бундай ҳолатларни ҳам назоратга олиш имкони ортди. Чунки сиз ҳудудингиздаги ҳар бир аҳолидан хабордор бўласиз, уларнинг қай бир доимий эътиборга муҳтожлигини олдиндан биласиз ва шунга қараб ўзингиз учун зарур йўл харитасини ҳам тузиб оласиз. Биласизми, қайсидир маънода бу жараён бир қарашда мураккаб кўриниши мумкин, аммо тиббиёт тизими, шифокорлик масъулиятини ҳис этадиган ҳар қандай мутахассис ушбу фаолиятларнинг аҳоли саломатлигини асрашнинг энг тўғри танланган йўли эканлигини яхши англайди. Йўналишим педиатр ва мен бу касбни танлаганим ҳамда халқимиз соғлиғини сақлашга ҳисса қўшилаётганлигидан беҳад бахтиёрман.











## Чилонзор тумани



*Шунингдек, мазкур йўналишдаги ижтимоий тадбирлар пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 20 июнь куни Чилонзор туманида жойлашган 38-сонли Оилавий поликлиника томонидан "Бектўпи" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ташкил қилинди.*

Унда маҳалла аҳолиси, ҳудудда жойлашган умумтаълим мактаби ҳамда мактабгача таълим муассасалари қамраб олинди. Тиббий кўриклар мобайнида поликлиника, "Саломатлик мактаби" мутахассислар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш қоидалари бўйича тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди. Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Қўшма қарор ижросини таъминлашда Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича **мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Ҳамидова** фаолиятдаги жараёнлар янада бардавом бўлишини ва унда кенг жамоатчилик изчиллик билан иштирок этиши бугунниг муҳим талабига айланаётганлигини алоҳида таъкидлади.



*Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тиббий кўрикка ташриф буюрганлар бу каби эзгу фаолиятлар ҳамда аҳоли саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнун бўлиб, бу борада яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар учун Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига миннатдорлик билдиришмоқда.*

1,-4-5-саҳифа материалларини **Ҳасан АБДУҒАНИЕВ** тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

*Саломатлик мактаби* Юнусобод тумани

# ҲАҚИҚАТГА ЙЎҒРИЛГАН ФИКРЛАР

***Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 14-мавзеси "Севинч" маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) биносида 55-сонли Оилавий поликлиника томонидан саломатлик ҳафталиги бўлиб ўтди. Тадбирга "Севинч" маҳалла аҳолиси, айниқса, пенсионерлар, ёш болали аёллар ва қариялар кенг жалб қилинди.***

Поликлиника бош ҳамшираси Шоира Усмонованинг айтишича, тадбирда невропатолог, хирург, гинеколог, стоматолог, окулист, терапевт (умумий амалиёт шифокори), ЛОР, эндокринолог каби шифокор ва ҳамширалар аҳоли кенг қатламини тиббий кўрикдан ўтказишди. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Эдуард Шишков 80 ёшдан ошган. Ўзи мустақил равишда МФЙ биносига келиб, шифокор ва ҳамшираларнинг иш жараёнини кузатар экан, у қуйидагиларни гапириб ўтди.

– Мен шикоят қилишни ёқтирмайман. Шифокор ва ҳамшираларнинг билим даражаси, ишлаш механизми қандай? Иш сифати талабга жавоб берадими? Шуни кузатмоқчиман. Ўттиз беш йил югуриш билан шуғулландим. Соғлом турмуш тарзига риоя қилдим. Ҳар қандай муаммони мустақил ҳал қилишни ёқтираман. Бундай тадбирда илк бор иштирок этяпман. Айниқса, УТТ мутахассиси юқори сифатли хизмат кўрсатар экан, шунингдек, бошқа шифокорлардаги хушмуомалалик, касбига бўлган садоқати барчамизни мамнун этди, – **дейди Эдуард Шишков.**



### ЭЪТИБОР БЕРИНГ

*– Беморлар, асосан, бош айланиши, қон босимининг ошиши, турли хил оғриқлар, асабийлашиш ҳолатлари билан мурожаат қилишмоқда. Масалан, бугунги тиббий кўрикда иштирок этаётган Гулшода Азизова уйқу бузилиши, ҳар хил оғриқлар безовта қилаётганини айтди. Оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи дорилар ёзиб бердим. У невропатолог рўйхатида туради. Беморларни текшириб, поликлиникага доимий тиббий кўрикдан ўтиб туришга жалб қиламиз. Кўзи кўрмайдиган, ётоқдаги беморларни терапевт умумий амалиёт шифокори, ЛОР, эндокринолог каби шифокор ва ҳамширалар билан бирга уйларига бориб, тиббий текширувдан ўтказамиз,* ***– дейди невропатолог Мавжуда Тўхлиева.***

Бемор, пенсионер Гулшода Азизованинг қўллари ва оёқларида шиш, суякларида оғриқ бор.

– Қон босими касаллиги билан оғриб келаман. Бир кўзим оғрийди. Санаторияда даволаниш ва дам олиш учун навбатда тураман. Ҳар икки йилда навбат келади, дейишди. Шундай бўлса-да, шифокорлар кўригидан тез-тез ўтиб тураман ва тавсия қилган муолажаларни ўз вақтида оламан, – **дея ўз фикрига якун ясади Гулшода Азизова.**

Поликлиникада амалиёт ўтаётган ёш мутахассис **Расул Мўминов** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти 1-курс талабаси: "Келажакда умумий амалиёт шифокори бўлмоқчиман. Тиббиёт ходими беморлар билан қандай муносабатда бўлиши, касалликларнинг юзага келиш сабабларини билиб олмоқчиман. Шифокорнинг малакаси, беморларга тезда аниқ, ишончли ташхис қўйишлари тиббиётга бўлган қизиқишимни янада орттиряпти", деди у.



– Қандли диабет, бўқоқ билан боғлиқ, гормонал бузилиш ҳолатлари бор бўлган беморлар қабулимга тез-тез келишади. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи, 1937 йилда туғилган Тамара Луцская оғзи қуриб қолиши, қон босимининг ошиши, томоғи оғришидан шикоят қилди. УТТ қилиш, қанд моддасини билиш учун қон топшириши кераклиги айтилди. Кўп беморлар ўзида қанд касаллиги борлигини билишмайди. Уларнинг шикоятларига қараб аниқ ташхис қўйилади, тўғри даво муолажалари тайинланади, – **дея ўз фикрини билдирди эндокринолог Умида Саитова.**

– Аҳоли орасида томоқ оғриши, бурун яллиғланиши ва аллергияси, тонзиллит, синусит, аллергик ринит касалликлари бўйича шикоятлар жуда кўп. Ёзда кўпроқ бурун қонаши, томоқ яллиғланиши кузатилади. Ёшлар ва болаларда музқаймоқ, совуқ ва салқин ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида томоқ оғриғи пайдо бўлса-да, куннинг жазирама иссиғида ногиронлиги бўлган шахслар ва қарияларда қон босимининг ошиши кузатилади. Биз, албатта, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга зарурий тавсияларимизни берамиз, – **дейди ЛОР шифокори Кубора Карабаева.**

**– Яқинда Юнусобод тумани 18-мавзеси "Меҳнатобод" МФЙнинг биносида ҳам шундай тадбир ўтказилди.** Беморларнинг қон таҳлили текширилиб, натижалар шифокорларга тегишли муолажалар ўтказишга юборилмоқда. Ҳозирнинг ўзида ўттиздан ортиқ беморлардан қон олиб, лабораторияга жўнатдик. Шприц, қўлқоп ва бошқа тиббий воситалар етарли даражада. Бугун, асосан, қариялар, ёши катта аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар мурожаат қилишяпти, – **деди лаборант-фельдшер Феруза Шокирова.**

– Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, фуқароларнинг патронаж ишларини жадаллаштириш, соғлиғини муҳофаза қилиш. Ҳар бир хонадонга ташриф буюриш. Аҳоли билан яқин муносабатда бўлиш, унинг ижтимоий ҳолати, саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар репродуктив саломатлигини барқарорлаштириш. Бу тадбирга Юнусобод тумани "Меҳнатобод" МФЙнинг барча аҳолиси жалб қилинган. Бу маҳаллада беш нафар умумий амалиёт шифокори 8 минг 520 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Маҳаллада истиқомат қилувчи оилалар сони 2 минг 508 та. 10 нафар ҳамшира патронаж хизматини олиб боради. Шунингдек, бешта участкада патронаж сумкаси билан уйма-уй юриб, аҳоли саломатлигидан хабар олинади. 42 нафар ётоқли беморлар рўйхати тузилган. Тиббиёт олий таълим ўқув муассасаларидан икки ҳафтага умумий амалиёт ўташ учун юборилган талабалар патронаж санитария-тарғибот ишларини олиб бориш ва ўрганиш, фуқароларни рўйхатдан ўтказишга жалб этилган. Шунингдек, талабалар муолажа ҳамшираларидан иш ўрганишлари мумкин, – **деди 55-сонли Оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Насиба Розимуҳамедова.**

### АҲОЛИ ФИКРИ

*– Тадбир жуда яхши ташкиллаштирилган. Маҳалланинг барча аҳолиси хабардор қилинди. Тишларим оғрийди. Юрагим безовта қилади. Иккинчи даражали артроз касаллигим бор. Поликлиникада ТОР соҳа мутахассислари етишмайди. Эндокринолог шифокор йўқ эди. Мана, бир ойдирки, эндокринолог врач фаолият юритяпти. Ёшлар тажрибали, малакали мутахассислардан ибрат олишлари керак,* ***– дейди бемор Анастасия Бергалло.***



– "Беғубор", "Меҳнатобод", "Севинч", "Юнус ота", "Қадрдон" маҳаллаларида бир йилда камида бир мартадан "Саломатлик ҳафталиги" тадбири ўтказилди. Мақсад – оилаларда тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, касаликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат. Таъкидлаш муҳимки, олдинлари қон босими касаллиги 50 ёшдан кейин кузатилар эди. Эндиликда эса 30 ёшда ҳам учраяпти. Юрак-ишемик касалликлари ҳам ёшариб боряпти. Ушбу хасталикларни вақтида даволаб, ногиронликнинг олдини олиш биринчи даражали вазифамиз, – **дейди тиббий маслаҳат комиссияси (ТМК) раиси Дилфуза Рашидова.**

– BLT 1203 аппаратида беморларни электрокардиограммаси амалга оширилиб, инфаркт, инфарктолди ҳолат тиббий текширувдан ўтказилади. Беморларнинг кўпчилигини 40 ёшдан ошганлар ташкил этади. Кардиолог электрограммага қараб даво муолажаларини ёзиб беради, – **дейди ЭКГ хонаси ҳамшираси Сурайё Тошпўлатова.**

– Фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик ташҳиси аниқлангач, тегишли шифокор ёки тиббиёт муассасасига йўлланма беріляпти. Бугунги кунда аҳоли орасида ошқозон-ичак, қон босими касалиги бор беморлар кўпчиликни ташкил этмоқда, – **дея ўз фикрларини билдирди умумий амалиёт шифокори Феруза Бобоназарова.**

– Гинекологик касали бор, туғиш ёшидаги, миома (бачадон ичи касаллиги), киста (тухумдонда бўладиган ўсимта), эндосервисит (бачадон бўйнининг яллиғланиши), эндометрит (бачадон қаватининг қалинлашиши) касалликлари ва пуштсизликка учраган аёллар мурожаат қилишмоқда. Ҳар хил гормонал ўзгаришларга таҳлиллар топширилади. Миомалар сўрилиши, тўхташи, ўсишига қараб муолажалар олиб борилади. Агар муолажалар самара бермаса, операция орқали таъсир чоралари кўрилади, – **дейди акушер Наима Маҳмудова.**

– Бачадон фибромиёмаси, сурункали анексит (тухумдон шамоллашиши), колпит (қиндаги яллиғланиш), альгодисменорея (қиз болаларда учрайдиган ҳайз оғриқлари) билан оғриган хотин-қизлар, ҳомиладор аёллар қабулга келганларида улардаги касаллик ташхислари аниқланиб, вақтида тиббий кўрик (диспансеризация)дан ўтиш, тавсиялар (рекомендация)га амал қилиш лозимлиги уқтирилмоқда, – **дейди акушер-гинеколог Мавлуда Салимова.**

– Юздан ортиқ бемор рўйхатга ёзилиб, шифокорлар қабулига киришди. Поликлиника узоқлик қилиб келолмаган бемор, қария, ногиронлиги бўлган шахслар, ёш болали аёлларга жойида ёрдам кўрсатилди, – **дейди маҳалла ҳамшираси Матлуба Қодирова.**

**Кенг аудиторияда бўлиб ўтган тиббий текширув яхши ташкил қилинган бўлса-да, маҳалла биносида аҳолининг навбат кутиши учун ўриндиқларнинг етишмаслиги, айниқса, ёш болали аёлларнинг кўпчилиги қайси шифокор қайси хонада қабул қилаётганлигидан бехабарлиги, шунингдек, иссиқ кунда салқин ичимликлар билан боғлиқ айрим муаммолар фуқароларга бироз қийинчилик туғдирди. Шу маънода ташкилотчилар томонидан бу каби ҳолатлар ҳам эътиборга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

**Ориф ЖУМАЕВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Сфера здравоохранения*

# ЖИЗНЬ ЧЕЛОВЕКА БЕСЦЕННА

***Под руководством Президента Шавката Мирзиёева в стране формируется современная, высокотехнологичная и эффективная система экстренной медицинской помощи.***



Показательным тому примером служат меры по реконструкции и строительству новых корпусов, оснащению современным оборудованием и укомплектованию квалифицированными кадрами Ташкентского областного филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи.

Медицинское учреждение, рассчитанное на 110 койко-мест расположено в поселке «Хонобод» Зангиатинского района. Здесь действуют отделения экстренной хирургии, экстренной терапии, смешанных травм и нейрохирургии, реанимации, приемно-диагностическое отделение и другие подразделения.

По первому вызову прийти на помощь к больным и вернуть им радость жизни готовы 87 врачей высшей категории и 184 медицинских работников. Эти заботливые, знающие свое дело люди стремятся организовать работу на научной основе, совершенствуют и повышают ее качество с учетом достижений современной медицины. Здесь стоит отметить заслуги опытного хирурга Абдулазиза Ходжибоева, терапевта Нибилилло Салиханова и врача высшей категории Бехзода Бердикулова. Они оказывают всестороннюю консультативную и методологическую поддержку филиалам в районах и городах области.

На основании Указа Президента страны "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы экстренной медицинской помощи" от 16 марта 2017 года осуществляются целенаправленные и последовательные меры по реализации государственных программ реформирования в сфере здравоохранения.

– *При поддержке областного управления здравоохранения полным ходом идет строительство нового корпуса приемно-диагностического отделения,* – **рассказывает директор филиала, доктор медицинских наук Азиз Эрметов.** – *Для обеспечения оперативности медицинской помощи населению на всей территории региона приобретаются современные виды автотранспорта.*

*Только до конца текущего года будут дополнительно приобретены еще два реанимобиля, запущены проекты по установке современной линии электропередач, улучшению системы отопления и водоснабжения.*

На сегодняшний день сюда завезены лапароскопическое оборудование, шкафы, автоклавы, дефибрилляторы, ларингоскопы и электрокоагулятор. Вскоре намечается запуск рентгеновского аппарата. В целях внедрения современных механизмов управления, координации и контроля оказания неотложной помощи начнутся работы по обеспечению оперативной связью врачей и медицинских работников, выезжающих по вызову.

Всего при поддержке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан до конца 2020 года в филиал будет завезено современное медицинское оборудование и приборы общей стоимостью два с половиной миллиона долларов США.

Специалисты организационных структур филиала намного улучшили работу службы скорой медицинской помощи "103". Благодаря приложенным усилиям за короткий срок коллектив филиала сумел заслужить доверие граждан. К примеру, с начала текущего года сюда обратились за помощью свыше восьми тысяч человек. Примечательно, что свыше трех тысяч пациентов были госпитализированы, остальным оказано амбулаторное лечение.

Руководством филиала недавно получено разрешение на оказание платной медицинской помощи, также ведется мониторинг используемых лекарственных средств, уделяется внимание подготовке и повышению квалификации молодых реаниматологов и анестезиологов.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Фото автора.**

*Сотрудничество*

# МОДЕРНИЗАЦИЯ РЕФЕРЕНС-ЛАБОРАТОРИИ В ОНКОЛОГИИ

***4 апреля 2017 года вступило в силу Постановление Президента ПП – 2866 "О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы". В рамках данного Постановления принято решение о создании Центра экспериментальной онкологии при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии, а также оснащении этого научного Центра современным оборудованием для проведения инновационных и прорывных исследований в области фундаментальной онкологии.***

Модернизация научного приборного парка строящейся референс-лаборатории при РСНПМОиР является своевременным и необходимым шагом для кардинального улучшения оказания медицинской помощи людям со злокачественными новообразованиями. За последние 10 лет технология лечения рака претерпела значительные изменения и эти новшества, главным образом, коснулись персонализации терапии (индивидуально разработанная терапия для конкретных популяций или же больного) и появлению таргетных (воздействующих только на раковые клетки) препаратов. Внедрение этих инновационных технологий в практическое здравоохранение связано с необходимым шагом разработки методик их использования с учетом генетического профиля людей, проживающих у нас в Республике, а также мутаций онкогенов, наиболее часто наблюдаемых в нашей популяции. Эти задачи и призван решить вновь созданный Центр экспериментальной онкологии, оснащенный современным научным оборудованием.

**Основными задачами референс-лаборатории являются:**

– *помощь онкологическим больным в результате разработки новых технологий использования современных таргетных препаратов с учетом индивидуального и популяционного генетического профиля нашего региона, разработка и внедрение новых противоопухолевых препаратов, созданных, в том числе, и на основе наших лекарственных растений;*

– *помощь врачам-онкологам в результате кардинальной интенсификации научной деятельности практикующих врачей с использованием современного научного приборного парка, повышение квалификации практикующих врачей, их обучение современным технологиям таргетного (целевого) воздействия на раковые клетки и использованию генетического профиля пациента для повышения эффективности терапии;*

– *помощь ученым в результате международного сотрудничества в области фундаментальных исследований канцерогенеза.*

**Референс-лабораторию планируется оснастить современным научным приборным парком, который будет способен решать исследовательские задачи по следующим направлениям:**

– *молекулярно-генетические технологии – определение генетического профиля и новых мутаций с помощью методик секвенирования генома, ДНК-чипирования (использования специальных чипов для определения активности одномоментно нескольких сот генов), жидкостной биопсии;*

– *электронная микроскопия – изучение микроскопических особенностей раковых клеток с использованием электронного и лазерного сканирующего микроскопов, позволяющего наблюдать живые нефиксированные объекты;*

– *клеточные технологии – возможность культивирования (выращивания) клеток вне организма для создания экспериментальных моделей, использование проточной цитофлуориметрии для исследования онкобелков;*

– *биохимические и химические инновационные технологии – возможность выделения, очистки, синтеза, спектрометрического анализа новых биологически активных соединений, способных эффективно и таргетно уничтожать раковые клетки;*

– *цитогенетические технологии – возможность изучения, определения и раннего диагностирования наследственно обусловленных форм рака.*



Реализация Постановления Президента, несомненно, кардинально интенсифицирует научную активность в области онкологии в нашей Республике, позволит поднять на новый, современный уровень использования таргетных и генетически персонализированных терапевтических технологий в практическом здравоохранении.

С этой целью между Республиканским Специализированным Научно-практическим Медицинским центром Онкологии и Радиологии Республики Узбекистана был подписан контракт с компанией BRAVO PHARMA (UK) Ltd.

**Олим ИМАМОВ,**
**заведующий отделением Республиканского научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии.**

*101 хизмати хабар қилади*

# ТАБИАТНИ АСРАШГА ХАР БИРИМИЗ МАСЪУЛ

Аҳоли яшаш уйлари, кўча майдонлари ва бир қанча, масканлар атрофларидаги қуриган шох-шабба ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб ташлаш ўрнига кўпчилик осонгина ёқиб юборишни маъқул кўради. Оқибатда арзимас бўлиб кўринган гулханларга ўчирилмаган сигарета қолдиқлари ташланиши, шунингдек, назоратсиз кўчада ўйнаб юрган болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар келтирувчи, катта талофатларга олиб келувчи ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай катта ёнғинлар нафақат моддий, балки атроф мухитга зарарли таъсир кўрсатиб, балки турли заҳарли газлар чиқиши ва бунинг баробарида одамларда аллергик ҳолатлар учрайди. Бу каби ёнғинлар деярли хар куни шаҳримизнинг аксарият туманларида содир бўлмоқда. Бир неча бор жойларда махсус рейдлар ўтказганимизда мазкур ҳолатларга дуч келдик. Бундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш мақсадида аҳоли ҳамда ҳудуддаги идора ва ташкилот ходимлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Шундай бўлсада айрим масъул шахслар жавобгарликни ҳис этмасдан ўз вазифаларига лоқайдлик билан қарамоқдалар. Бу вазиятда меъёрий қоидаларга амал қилмаган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш ўзимизга боғлиқлигини унутмайлик!

**Ҳасан СОБИРОВ,**
**Миробод туман ЁХБ инспектори, сержант.**

*Халқаро семинар*

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА ДУНЁ ТАЖРИБАСИ

***Хабарингиз бор, Давлатимиз ҳамда ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз тиббиётини янги босқичга кўтармоқда. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий ўқув юртлари ва етакчи тиббиёт муассасаларининг фаолиятини яхшилаш, халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган қарор ва фармонларнинг ижроси юзасидан эзгу фаолиятлар йўлга қўйилмоқда.***

Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг етакчи тиббиёт марказлари вакиллари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган. Яқинда марказда ана шу ишларнинг узвий давоми сифатида халқаро амалий семинар бўлиб ўтди. АҚШдан ташриф буюрган профессор ва мутахассилар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди. Айтиш жоизки, 2017 йилнинг октябрь ойида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига АҚШнинг Сейнт Луис Университети тиббиёт факультети профессори Джолдас Кулджанов бошчилигида Сан Диего Университети Альварадо клиникаси Умуртқа хирургияси институти вакилларининг ташрифи амалга оширилган эди. Ташриф давомида ушбу мутахассислар томонидан маърузалар ўқилиб, маҳорат дарслари ва семинарлар, тиббий кўриклар амалга оширилганди. Унда ҳудудларимизда фаолият юритаётган соҳа ходимлари иштирок этиб, билим ва кўникмасини бойитишди. Шу билан бирга, умуртқа ва мия умуртқасига оид 4 та юқори технологик операция ҳам бажарилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари асосида тиббиётимиз янада такомиллашмоқда, десам муболаға бўлмайди, – **дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Анвар Алимов.** – Ҳудудларда шифо масканлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Алоҳида таъкидлаш кераккки, бу каби ишлар тиббиётнинг эндокринология йўналишида ҳам амалга оширилмоқда. Мақсад, нафақат пойтахтда, балки республика миқёсида бу ишларни олиб бориш. Шу боис, марказимиз мутахассислари вилоятларга чиқиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш баробарида маҳаллий соҳа ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишмоқда. Яъни умумий амалиёт шифокорлари, лаборатория ходимлари, ҳамширалар, эндокринолог ва бошқа тор соҳа мутахассислари учун тренинглар, маҳорат дарслари ўтказиляпти. Бунинг баробарида, илмий ходимларимиз ва ёш кадрларимиз жаҳоннинг етакчи клиникаларида малака ошириб қайтишмоқда. Ўз навбатида хорижий олимларнинг ҳам муассасамизга келиб, долзарб йўналишларда маърузалар қилиши, шунингдек, жарроҳлик амалиётларини ўтказиши мутахассисларимизнинг ҳам назарий, ҳам амалий кўникма олиши учун катта имконият яратмоқда. Ҳозирги кунда Сейнт Луис Университети ортопедик жароҳатлар госпитали директори профессор Джолдас Кулджанов, мазкур университетнинг нейрохирургия департаменти раҳбари, Уолтер Денди жаҳон ташкилоти президенти, дунёнинг энг таниқли қон-томир нейрохирурги профессор Абдурауф Салеем Ибраҳим томонидан Марказий Осиёда биринчи маротаба муассасамизда махсус курслар амалга оширилди. Ушбу Уолтер Денди курслари бош мия томирлари аневрезмалари ва артериовеноз мальформацияларига бағишланган. Таъкидлаш муҳимки, мазкур муолажалар юқори технологик тиббиёт техникаси билан амалга оширилишини талаб этади. Қисқа курс республикамиз нейрохирургия соҳаси мутахассисларига замоннинг етакчи мутахассиси нуқтаи назаридан қон-томир нейрохирургияси соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар билан танишиш имконини беради. Ушбу курсда республикамиздан барча нейрохирургия соҳаси мутахассислари иштирок этиб, малакасини оширмоқда. Ўйлайманки, келгусида олинган билимларни мамлакатимиз тиббиёти амалиётига татбиқ этилса, ўзининг ижобий самарисини беради.

АҚШлик профессор ва мутахассислар ташрифи давомида нафақат Тошкент шаҳри, балки Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам маърузалар қилиб, беморларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

– Аввало, мамлакатингизга келишга таклиф этишгани учун ташкилотчиларга миннатдорлигимни билдирмоқчиман, – **дейди Сан Диего Университети умуртқа паталогиялари ва деформацияси соҳасига ихтисослашган клиника директори, профессор Беҳруз Акбарниа.** – Маҳаллий соҳа ходимларида билим ва тажриба кўламлари бой эканлиги ҳамда моҳир жарроҳлар томонидан ноёб операцияларни амалга оширилаётганлигини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Спинал хирург сифатида айтишим мумкинки, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам бу борада кўплаб фаолиятлар йўлга қўйилиб, ютуқларга эришиб келмоқда. Шу билан бирга, юқори технология жарроҳлик амалиётлари бажарилаётгани ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Бу ерлик соҳа ходимлари билан келажакдаги ҳамкорлигимиз борасида келишиб олдик, аниқ режаларни туздик. Бугунги кунда соҳадаги муаммоларни ўрганиш, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш юзасидан ҳам биргаликда иш олиб бормоқчимиз. Албатта, бунинг учун биринчи ўринда таълим олиш зарур. Яъни маҳорат дарслари, семинарлар муҳим роль ўйнайди. Бугунги маърузаларим умутрқа паталогияси ва деформациясини даволашнинг энг сўнгги тренд ва алгоритмлари билан танишиш имкониятини беради, десам хато бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, истиқболда "Сколиозни ўрганиш жамияти"ни Ўзбекистонда ўқув курсларини ўтказишни ҳам режалаштирганмиз.

**Ташриф якуни бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир, хусусан, маҳаллий мутахассисларни стажировка ва ўқув курсларига юбориш каби масалалар муҳокама қилинди ва икки томонлама меморандум имзоланди. Бу эса соҳа ходимларининг дунё тажрибасини ўзлаштириб, замонавий касб эгаси бўлишига хизмат қилиши шубҳасиздир.**

**Жонибек МАЪРУПОВ.**

*Советы специалиста*

# СИНДРОМ ХРОНИЧЕСКОЙ УСТАЛОСТИ

***Вы все время устаете и жаловаться на это вроде как бы неприлично: вроде ничего серьезного не случилось, и нужно собраться. Однако специалисты предупреждают, что синдром хронической усталости (СХУ) – серьезная проблема современности.***

В последние годы синдром хронической усталости встречается все чаще, особенно в больших городах, где ритм жизни и психологические нагрузки порой значительно превышают возможности человека, ломают его защитные механизмы. Игнорирование СХУ опасно тем, что заболевание начинает разрушать организм. Впрочем, есть признаки, по которым можно распознать опасность. Главный признак того, что дело принимает серьезные обороты – человеку не помогают его привычные способы отдыха. У каждого из нас есть излюбленные рецепты сбросить напряжение и расслабиться: кто-то может спать целый день, кто-то идет в бассейн, кто-то принимает контрастный душ или ванну, кто-то идет на прогулку в парк.

*– Но в случае с хронической усталостью эти простые способы не работают, справиться с их помощью не получается,* – **комментирует психолог, член Российской психотерапевтической лиги Елена Новоселова**.

*– Хроническая усталость обессиливает человека, забирает его "хочу", делает его безразличным к себе и бесстрастным к другим. Часто появляется рассеянность, дела валятся из рук. Это пугает, заставляет еще больше сосредотачиваться на делах, порождает чувство вины, устойчивое раздражение и депрессивное настроение.*

Этот недуг, к сожалению, встречается значительно чаще, чем мы можем себе представить. Точной статистики, конечно же, нет: мало, кто обращается к врачу или психологу в таком состоянии. Однако, хроническая усталость требует самого пристального внимания и бережного отношения к себе. Ею нельзя пренебрегать, расценивать как незначительную помеху в работе и в общении.

**Диагностировать у себя состояние хронической усталости можно по нескольким признакам:**

*1. Если после нормального ночного сна вы просыпаетесь усталым и подавленным без видимых причин.*

*2. Если у вас стали случаться приступы бессонницы.*

*3. Если появилось раздражение и вы не можете с ним справиться. Причем, раздражение стало вашим фоном жизни и общением с окружающими.*

*4. Если вас ничего не радует, а в лучшем случае оставляет равнодушным.*

*5. Если любые планы, в том числе на отдых или развлечения, вызывают только один ответ: "Нет!"*



Если вы обнаружили у себя такие проявления, то самое время срочно задуматься о своем образе жизни и ритме жизни. Отоспаться или взять денек-другой отгулов на работе – это ситуацию не спасет. Необходим полноценный отдых со сменой места и, желательно, без постоянного контакта с коллегами по работе, а иногда, и родственниками. Если есть возможность, то пройти курс релаксирующего массажа, заняться легкой гимнастикой, ходить пешком не меньше часа-полутора в день. Можно устроить себе "день тишины", то есть сократить общение с другими людьми до приемлемого минимума. Побыть с самим собой наедине.

Учтите, что на первичное восстановление потребуется не меньше десяти дней. Не хотелось бы никого пугать, но хроническая усталость может привести к нарушениям работы внутренних органов, погрузить человека в депрессию. Не стоит до этого доводить свой организм. Когда усталость и сопровождающая ее тревожность немножко отпустят, следует всерьез подумать о перестройке своей жизни, выстроить новую шкалу приоритетов, где на вершине будете вы и ваше здоровье. Такие возможности есть у всех, мы просто не хотим их видеть.

**Гавхар КАХХАРОВА,**
**Преподаватель 1 Республиканского медицинского колледжа кафедры «Сестринское дело».**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2746 нусха.
Буюртма Г-737.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.